



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 22 yil « 4 » noyabr

№ 645

Toshkent sh.

Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Оила ва хотин-қизлар билан ишлаш, маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 1 мартдаги ПФ-81-сон Фармони ва 2022 йил 21 сентябрдаги “Хотин-қизлар бандлигини ошириш ва саломатлигини мустаҳкамлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-376-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Оила ва хотин-қизлар билан ишлаш, маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 1 мартдаги ПФ-81-сон Фармони билан Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) сифатида қайта ташкил этилганлиги ҳамда Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси (кейинги ўринларда – Кўмита) тузилмасига ўтказилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Куйидагиларни назарда тутувчи **Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансан**:

Жамғарманинг мақсади, асосий вазифалари, хуқуqlари ва мажбуриятлари;

Жамғармани бошқариш, унинг маблағларини шакллантириш ҳамда фаолият юритиш тартиби;

Жамғарма маблағларидан фойдаланиш йўналишлари, маблағларни бошқариш ва тақсимлаш тартиби;

Жамғарма ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш шартлари;

Жамғарма даромадлари ва харажатлари ҳисобининг юритилиши, Жамғарма томонидан ажратиладиган маблағларнинг мақсадли ишлатилишини назорат қилиш тартиби.

3. Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармасининг васийлик кенгаши таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Белгилансинки:

Жамғарма Васийлик кенгаши (кейинги ўринларда – Васийлик кенгаши) Жамғарманинг олий бошқарув органи, Жамғарма Ижро этувчи дирекцияси (кейинги ўринларда – Дирекция) эса унинг ижро органи ҳисобланади;

Дирекция ижрочи директори Ўзбекистон Республикаси Баш вазирининг ўринбосари – Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси раисининг тавсиясига асосан Васийлик кенгаши томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади;

Дирекция Жамғарма фаолияти натижалари бўйича ҳар йил якунида Васийлик кенгашига, ҳар чорак якунида – Кўмита раисига ҳисбот тақдим этади;

Дирекция ижрочи директори Кўмитанинг бошқарма бошлиғига, унинг ўринбосари – бошқарма бошлиғининг ўринбосарига, бошқа ходимлар эса мос равишда Кўмитанинг бошқа ходимларига тенглаштирилади;

Жамғарма ходимларига Кўмита ходимлари учун Давлат бюджети ҳисобидан тўланадиган меҳнатга ҳақ тўлаш, моддий рафбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя қилиш шартлари татбиқ этилади ҳамда Жамғарма маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

Жамғарма Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармасининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, тузилган шартномалар бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

5. Қуйидагилар Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари этиб белгилансин:

Кўмитанинг асосланган ҳисоб-китобларига мувофиқ ҳар йили 300 млрд сўмгача бўлган микдорда Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар;

вақтинча бўш турган маблағларни тижорат банклари депозитларига жойлаштириш ҳисобидан олинган даромадлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари, халқаро молия институтлари ва хорижий ташкилотларнинг грантлари;

қонунчилик хужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар;

6. Васийлик кенгаши:

Жамғарманинг ҳар йиллик даромадлари ва харажатлари бўйича прогноз кўрсаткичларни тасдиқлаб бориш;

Жамғармага юклangan вазифаларни амалга ошириш учун манфаатдор вазирлик ва идораларни жалб этиш;

Жамғарма маблағларидан мақсадли фойдаланиш бўйича тизимли назорат ўрнатиш чораларини кўрсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси раиси З.Б. Маҳкамова бир ой муддатда Дирекция штат жадвалини унинг бошқарув ходимлари сонини 6 нафардан оширган ҳолда тасдиқлаш ҳамда Дирекцияни сақлаш билан боғлик харажатларнинг самарадорлигини ошириш чораларини кўрсин.

8. Қўмита бир ой муддатда манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-хуқуқий хужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштиrsин.

9. Вазирлар Маҳкамасининг “Хотин-қизларни қўллаб-кувватлаш давлат мақсадли жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2021 йил 14 апрелдаги 210-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси раиси З.Б. Маҳкамова зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил 4 ноябрдаги 645-сон қарорига
1-илова

**Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли
жамғармаси тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармасининг (кейинги ўринларда – Жамғарма) мақсади, асосий вазифалари, хуқуқлари ва мажбуриятларини, Жамғармани бошқариш, унинг маблағларини шакллантириш ва фаолият юритиш тартибини белгилайди.

2. Жамғарма ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси Васийлик кенгашининг (кейинги ўринларда – Васийлик кенгаши), Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитасининг (кейинги ўринларда – Кўмита) буйруқ ва қарорларига, шунингдек, ушбу Низомга ва бошқа қонунчилик хужжатларига амал киласди.

3. Жамғарма Кўмита тузилмасига кирувчи давлат муассасаси шаклидаги юридик шахс ҳисобланади, мустақил балансга, Молия вазирлигининг Газначилигига ҳисобварақларига, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган бланкага ва ўз номи ёзилган муҳрга эга бўлади.

4. Жамғарманинг расмий номи:

а) давлат тилида:

тўлиқ номи – Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси;

қисқартирилган номи – Оила ва хотин-қизлар жамғармаси;

б) рус тилида:

тўлиқ номи – Государственный целевой фонд поддержки семьи и женщин;

қисқартирилган номи – Фонд поддержки семьи и женщин;

в) инглиз тилида:

тўлиқ номи – State fund for family and women support;

қисқартирилган номи – Family and women fund.

2-боб. Жамғарманинг мақсади ва вазифалари ҳамда хуқуқ ва мажбуриятлари

5. Жамғарманинг асосий мақсади хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-кувватлаш, шу жумладан, оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларга моддий ёрдам кўрсатиш, оилавий ва хусусий тадбиркорлик, ҳунармандчиликни ташкил этишда, меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касблар бўйича билим ва кўникумаларни эгаллашда уларга кўмаклашиш ва рағбатлантиришдан иборат.

6. Жамғарманинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

хотин-қизларнинг тадбиркорлик ташаббусларини ҳар томонлама қўллаб-кувватлаш учун тижорат банкларига ресурс маблағларини белгиланган тартибда жойлаштириш;

хотин-қизларга меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касблар бўйича билим ва кўникумаларни эгаллашлари учун зарур шароитлар яратиш билан боғлиқ тадбирларни молиялаштиришга кўмаклашиш;

оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларга, шу жумладан, ногиронлиги бўлган шахслар, ногиронлиги бўлган фарзандларини тарбиялаётган, кам таъминланган, фарзандларини тўлиқсиз оиласда тарбиялаётган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтоҷ хотин-қизларга уй-жойларнинг бошлангич бадалини қайтармаслик шарти билан тўлаб бериш;

хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-кувватлаш, соғлигини сақлаш, хотин-қизлар спортини ривожлантириш, уларнинг меҳнат ва ўқиш шароитларини яхшилаш билан боғлиқ тадбирларни молиялаштиришга кўмаклашиш.

7. Жамғарма ўзига юқланган вазифаларни бажаришда қуйидаги хуқуқларга эга:

қонунчилик хужжатларига мувофиқ ушбу Низомда назарда тутилган фаолиятни таъминлаш учун Васийлик кенгашининг қарори асосида мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш;

давлат органлари, хўжалик бирлашмалари, бошқа ташкилотлар ва мансабдор шахслардан Жамғарма ваколатларига кирувчи масалаларни ҳал этиш учун зарур ахборотларни сўраш ва олиш;

Ғазначиликдаги ўз хисобварақларида ушбу Низомда белгиланган манбалардан тушадиган маблағларни жамғариш;

Жамғарма томонидан ажратиладиган маблағлардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш, хуқуқбузарликлар аниқланган тақдирда, хуқуқни муҳофаза қилувчи органларига мурожаат этиш ҳамда Жамғармани сақлаш ҳамда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни қоплаш билан боғлиқ харажатлардан ташқари барча молиялаштиришни белгиланган тартибда тўхтатиш;

вақтингча бўш пул маблағларини Ўзбекистон Республикасининг тижорат банкларида депозитларга жойлаштириш;

Жамғарма ваколатига кирувчи масалалар бўйича халқаро ҳамкорликни амалга ошириш.

Жамғарма қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳукуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

8. Жамғарма ўз ваколатларини амалга ошираётганда:

қонунчилик ҳужжатлари, ушбу Низом талаблари, Кўмита ва Васийлик кенгаши қарорларини тўлиқ ҳамда ўз вақтида бажариши;

Жамғарма маблағларининг ушбу Низом доирасида ишлатилишини таъминлаши ҳамда улардан мақсадли ва самарали фойдаланишини назорат қилиши;

ўз фаолиятини амалга ошириш чоғида олинган ахборотнинг тарқатилиши қонун билан чекланган бўлса, унинг маҳфийлигига риоя этиши шарт.

Жамғармага қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам юклатилиши мумкин.

3-боб. Жамғармани бошқариш

9. Жамғарманинг бошқарув органлари Жамғарма Васийлик кенгаши ва Ижро этувчи дирекциясидан (кейинги ўринларда – Дирекция) иборат.

Васийлик кенгаши Жамғарма фаолиятини ташкил этиш ва назорат қилишни амалга оширувчи олий бошқарув орган, Дирекция эса – ижро этувчи орган ҳисобланади.

10. Васийлик кенгаши аъзолари бир вақтнинг ўзида Дирекцияда меҳнат фаолиятини юритиши мумкин эмас.

11. Васийлик кенгаши:

Жамғарма маблағлари ва бошқа мол-мулкидан фойдаланилиши ҳамда Жамғармага юклangan вазифалар бажарилишини назорат қилади;

Жамғарманинг даромадлар ва харажатлар йиллик параметрларини ҳамда амалга ошириладиган асосий тадбирлар режасини тасдиқлайди;

умумий тасдиқланган параметрлар доирасида, зарурат бўлганда, Жамғарма даромадлари (манбалар бўйича) ва харажатларининг прогноз параметрларига ўзгартиришлар киритади;

Дирекцияни сақлаш харажатлари сметасини, штатлар жадвалини тасдиқлайди, зарурат бўлган тақдирда, тасдиқланган бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони доирасида Дирекция тузилмасига ўзгартиришлар киритади;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси раисининг тавсиясига асосан Дирекция ижрочи директорини лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қиласди;

Жамғарма олдига қўйилган вазифаларни ҳал этиш учун манфаатдор вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотларни жалб қиласди, шунингдек, юридик ва жисмоний шахсларнинг, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг ҳомийлик хайрияларини жалб этишга кўмаклашади;

Жамғарма ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш шартларини қонунчилик талаблари асосида белгилайди;

қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

12. Васийлик кенгаши Жамғармага юклangan вазифаларнинг ижросини ташкил қилиш, тегишли лойиҳаларни ишлаб чиқиш, амалиётга татбиқ этиш ва зарур тавсиялар тайёрланишини таъминлаш мақсадида давлат органлари, хўжалик бирлашмалари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари, шунингдек, фуқаролардан иборат таркибда эксперт гурухлари ташкил қилиши мумкин.

13. Васийлик кенгаши мажлислари заруратга кўра ўтказилади.

Васийлик кенгаши қарорлари мажлисда қатнашаётган Васийлик кенгаши аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Овозлар тенг бўлиб қолган тақдирда, Васийлик кенгаши раисининг овози ҳал қилувчи овоз ҳисобланади.

14. Дирекция Жамғарманинг ижро органи ҳисобланади. Унга Васийлик кенгаши қарори билан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган ижрочи директор раҳбарлик қиласди.

15. Дирекция:

Жамғармага ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланилишини назорат қиласди;

маблағлардан мақсадсиз фойдаланилган ҳолларда, меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича тўловлардан ташқари молиялаштиришни тўхтатиб турари, кейинчалик ушбу масалани Васийлик кенгашига кўриб чиқиш учун киритади;

миллий ва чет эл валютасида шахсий ғазна ҳисобваракларини очади ва юритади, белгилangan тартибда улар бўйича тегишли операцияларни амалга оширади;

Жамғармага ўтказилган маблағларнинг амалда тушган суммаси бўйича тегишли ташкилотлардан ахборотлар ҳамда статистик маълумотларни сўраб олади;

Васийлик кенгаши розилиги билан бўш маблағларни қонунчиликда белгилangan тартибда Ўзбекистон Республикасининг тижорат банкларида миллий валютада депозитларга жойлаштиради;

Жамғарманинг даромадлари ва харажатлари ҳисобини юритади, шунингдек, улар бўйича чораклик ва йиллик ҳисботларни шакллантиради;

тасдиқланган харажатлар сметасида назарда тутилмаган қўшимча маблағларни ажратиш бўйича тушган буюртмаларни тўплайди, умумлаштиради ва кўриб чиқиш учун Васийлик кенгашига киритади;

Жамғарма Васийлик кенгаши қарорлари тўлиқ ва ўз вақтида ижро этилишини таъминлайди;

Жамғарма маблағларидан фойдаланилиши бўйича чораклик ва йиллик ҳисботларни Васийлик кенгашига ва Молия вазирлигига белгиланган тартибда тақдим этади;

қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

16. Дирекция ижрочи директори:

Жамғарманинг жорий фаолиятини ташкил этади ва Жамғармага юкландан вазифалар бажарилиши, шу жумладан, унинг маблағларидан мақсадли фойдаланишини таъминлайди;

Дирекция фаолиятига умумий раҳбарлик қиласи, қонунчилик ҳужжатлари, Васийлик кенгаши қарорлари, Кўмитанинг буйруқ ва қарорлари билан Жамғармага юкландан вазифалар ҳамда функцияларнинг ўз вақтида ва тўлиқ бажарилишини ташкил этади;

Дирекция, унинг таркибий бўлинмалари фаолияти билан боғлик кўрсаткичлар, мақсадли индикаторларга, сифатга ва ривожлантириш дастурларининг самарали амалга оширилишига эришишни сўзсиз таъминлаш юзасидан амалий чоралар кўради;

Дирекция ходимларини ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатиш, уларни рағбатлантириш ҳамда интизомий жазо чораларини қўллаш ҳақида, шунингдек, Жамғарма ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқларни чиқаради;

давлат органлари ва ташкилотлари, хўжалик бирлашмалари, юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, хорижий давлатларнинг тегишли органлари ва ташкилотлари, юридик ва жисмоний шахслари, шунингдек, халқаро ташкилотлар олдида Жамғарма манфаатларини ифодалайди;

Васийлик кенгаши билан келишган ҳолда, Жамғарма маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланилиши бўйича белгиланган тартибда текширувлар ташкил қиласи, уларнинг натижаларини таҳлил қиласи ва кўриб чиқиш учун Васийлик кенгашига таклиф киритади;

жисмоний ва юридик шахслар, тижорат банклари билан Жамғарма фаолиятига тегишли келишувлар ва шартномаларни, шу жумладан, кредит, хўжалик ва меҳнат шартномаларини ҳамда ресурс ва депозитлар шартномаларини имзолайди, Дирекция номидан ишончномасиз иш юритади;

штатлар жадвалини, Жамғарма маблағлари ҳисобидан Дирекция таъминотининг харажатлар сметасини тузади ва тасдиқлаш учун Васийлик кенгашига тақдим этади;

Дирекциянинг лавозим йўриқномалари ва бошқа ички ҳужжатларини тасдиқлайди;

Жамғарма номидан судга ва бошқа давлат органларига дাъволар тақдим этади;

қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

17. Дирекциянинг таъминоти бюджет ташкилотлари учун белгиланган тартибда тасдиқланадиган харажатлар сметаси асосида Жамғарма маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

4-боб. Жамғарма маблағларини шакллантириш ва сарфлаш

18. Куйидагилар Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари ҳисобланади:

Кўмитанинг асосланган ҳисоб-китобларига мувофиқ ҳар йили 300 млрд сўмгача бўлган микдорда Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар;

вақтинча бўш турган маблағларни тижорат банклари депозитларига жойлаштириш ҳисобидан олинган даромадлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари, халқаро молия институтлари ва хорижий ташкилотларнинг грантлари;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

19. Жамғармага унинг даромадлари бўйича тушаётган маблағлар Молия вазирлиги Фазначилигидаги шахсий ғазна ҳисобварафига ўтказилади.

20. Жамғарма маблағлар тушишининг тўлиқлиги Васийлик кенгаши томонидан назорат қилинади.

21. Куйидагилар Жамғарма маблағлари сарфланадиган асосий йўналишлар ҳисобланади:

Кўмита ва Жамғармага юклangan вазифаларни амалга ошириш;

хотин-қизларга оилавий ва хусусий тадбиркорликни, хунармандчиликни ташкил этишда ҳамда шундай фаолият учун белгиланган тартибда имтиёзли кредитлар ажратиша тижорат банкларида ресурслар ва депозитлар жойлаштириш орқали кўмаклашиш;

қонунчилик ҳужжатларида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш билан боғлиқ чора-тадбирларни молиялаштириш;

хотин-қизларга ва уларнинг бандлигини таъминловчи тадбиркорлик субъектларига белгиланган тартибда субсидия ва грантлар, шу жумладан,

уларга оилавий ва хусусий тадбиркорликни, хунармандчиликни ташкил этиш учун субсидиялар ажратиш;

ёш қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, замонавий намунали оилани шакллантириш, унинг маънавий-ахлоқий негизлари ва анъанавий оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мақсадли ишлар олиб борилишига кўмаклашиш;

оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган, шу жумладан, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган оилалардаги хотин-қизларни қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда моддий қўллаб-куватлаш;

хотин-қизларни касбларга ўргатиш ва уларнинг бандлигини таъминлашга кўмаклашадиган ҳамда муаммолари билан шуғулланадиган нодавлат нотижорат ташкилотларни ҳар томонлама қўллаб-куватлаш мақсадида уларга Васийлик кенгаши томонидан ишлаб чиқилган тартиб асосида грант маблағларини ажратиш;

зўрлик ишлатишдан жабр кўрган хотин-қизларнинг мослашувига ва саломатлигини мустаҳкамлашга кўмаклашиш мақсадида аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш бўйича республика, худудий ва туманлараро намунали марказларни ҳамда уларнинг бўлинмаларини саклаш билан боғлиқ харажатларни қоплаш, уларни моддий қўллаб-куватлаш;

хотин-қизлар муаммоларини тизимли равиша ҳал этиш, ўрганишлар давомида аниқланган оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларга кўмаклашиш харажатларини молиялаштириш;

оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизлар, шу жумладан, ногиронлиги бўлган шахслар, ногиронлиги бўлган фарзандларини тарбиялаётган, кам таъминланган, фарзандларини тўлиқсиз оиласда тарбиялаётган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож хотин-қизларга уй-жойларнинг бошланғич бадалини қайтармаслик шарти билан тўлаб бериш;

оила ва хотин-қизлар масалалари бўйича ўтказиладиган республика миқёсида ҳамда халқаро тадбирларни ташкил этишга, Ўзбекистон делегациясининг халқаро тадбирларда иштирок этиши билан боғлиқ харажатларни қоплаш;

хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизлар билан ишлаш, хотин-қизлар масалалари бўйича давлат ва жамоат ташкилотлари билан алоқалар ҳамда хотин-қизлар муаммолари билан ишлаш йўналишларидан келиб чиқувчи тадбирларни қўллаб-куватлаш;

Республика хотин-қизлар тадбиркорлик маркази, унинг худудий бўлинма (филиал)ларини сақлаш билан боғлиқ харажатларни қоплаш, фаолиятини молиявий қўллаб-куватлаш, уларда ташкил этилган ўқув курсларининг мутахассисларига соатбай ҳақ тўлаш;

“Аёллар маслаҳат кенгашлари” ва маҳаллаларда фаолият юритаётган бошқа жамоатчилик тузилмалари аъзоларини рағбатлантириш чора-тадбирларини молиялаштириш;

оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган, шу жумладан, ногиронлиги бўлган, шу билан бирга, тезкор тиббий ёрдамга ёки жарроҳлик амалиётига муҳтоҷ, кам таъминланган оила вакилларини (жинси ва ёшидан қатъи назар) даволатишига ва уларнинг соғлом ҳаётга қайтишига моддий кўмаклашиш;

олис ва чекка ҳудудлардаги маҳаллаларда камида 20 нафар эҳтиёжманд хотин-қизларни касаначилик асосида иш билан таъминлаган тадбиркорлик субъектлари ўртасида Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ҳар йили бир маротаба ҳар бирининг қиймати 50 миллион сўм бўлган лойиҳалар танловини ўtkазиш;

янги иш бошлаётган касаначилар фаолиятини йўлга қўйиш, ривожлантириш ва такомиллаштириш ҳамда уларга услубий ёрдам бериш учун хотин-қизлар тадбиркорлик марказларида лидер касаначиларни жалб этган ҳолда ўқув курслари ташкил этиш;

Дирекцияни сақлаш билан боғлиқ харажатларни қоплаш.

22. Жамғарма даромадлари ва харажатлари сметаси Васийлик кенгаши билан келишилган ҳолда рўйхатдан ўтказиш учун Кўмитага тақдим этилади.

23. Жамғармадан пул маблағлар тасдиқланган даромадлар ва харажатлар сметаси ҳамда Васийлик кенгашининг қарори асосида ажратилади.

Харажатлар сметасида кўзда тутилмаган ёки Жамғармага юклатилган топшириклиарни бажариш билан боғлиқ қўшимча харажатлар учун маблағлар Васийлик кенгашининг қарори асосида сарфланади.

24. Жамғарма маблағлари ҳисобидан молиялаштириш ишлари даромадлар ва харажатлар сметаси доирасида шахсий ғазна ҳисобварақлари орқали амалга оширилади.

25. Дирекция Жамғармага ажратилган маблағлардан фойдаланилиши ва кейинги ҳисбот даврида кутилаётган харажатлар тўғрисидаги маълумотларни кўриб чиқиши учун Васийлик кенгашининг навбатдаги йиғилишига киритади.

26. Жамғарманинг жорий йилда фойдаланилмаган маблағлари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига олиб қўйилмайди ва улардан кейинги йилда фойдаланилади.

5-боб. Жамғарманинг фаолиятини назорат қилиш

27. Жамғарманинг молия-хўжалик фаолияти Васийлик кенгашининг қарорига биноан Жамғарманинг йиллик фаолияти якунлари бўйича текширилади.

28. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Давлат молиявий назорати инспекцияси Жамгарма маблағларидан мақсадли фойдаланишини назорат қилади.

29. Васийлик кенгашининг талабига кўра Дирекция томонидан Жамгарманинг молиявий фаолияти тўғрисидаги барча хужжатлар тақдим этилиши шарт.

30. Жамгарманинг молиявий фаолиятини текшириш натижалари бўйича Васийлик кенгashi:

ҳисоботлар ва бошқа молиявий хужжатлардаги маълумотларнинг ишончли эканлигига баҳо беради;

бухгалтерия ҳисоби юритилиши ва молиявий ҳисобот тақдим этиш тартиби бузилган ҳолатлар тўғрисидаги маълумотни;

аниқланган ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш юзасидан тавсиялар, шунингдек, Жамгарманинг молиявий фаолияти самарадорлигини оширишга оид таклифларни ўз ичига олган қарор қабул қилади.

6-боб. Ҳисобга олиш ва ҳисобот

31. Жамгарма маблағларидан фойдаланиши тўғрисидаги ҳисобот ҳар чоракда Васийлик кенгashi томонидан кўриб чиқилади ва Дирекция томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этилади.

32. Жамгарма бухгалтерия ва статистика ҳисоби ҳамда ҳисботини юритади, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик хужжатларига мувофиқ солиқлар ва бошқа тўловларни тўлайди.

33. Дирекция ҳар йил якуни бўйича Васийлик кенгashига Жамгарма фаолияти натижалари тўғрисида ҳисобот тақдим этади.

34. Жамгарманинг бухгалтерия баланси ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 31 мартаға қадар Васийлик кенgashi томонидан тасдиқланади.

7-боб. Якунловчи қоидалар

35. Жамгарма қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда қайта ташкил этилади ва тугатилади.

36. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил 4 ноябрдаги №45-сон қарорига
2-илова

**Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат
мақсадли жамғармасининг васийлик кенгаши
ТАРКИБИ**

- | | |
|----------------------|---|
| 1. З.Б. Махкамова | – Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринbosари – Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси раиси, <i>Vasilik kengashi raisi</i> |
| 2. Э.М. Мухитдинов | – бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг биринчи ўринbosари |
| 3. Э.И. Баситханова | – соғлиқни сақлаш вазирининг ўринbosари |
| 4. Д.Ш. Султанов | – молия вазирининг ўринbosари |
| 5. Г.А. Рашидова | – АТ “Халқ банки” бошқаруви раисининг ўринbosари |
| 6. А.А. Абдумухторов | – Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацииси раисининг ўринbosари (<i>келишиув асосида</i>) |
| 7. М.А. Нурматова | – Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси бошқарма бошлиғи, <i>Vasilik kengashi kotibi</i> |

Изоҳ: *Vasilik kengashi аъзоси бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига уибу лавозимга янги тайинланган ёки тегишили функцияларни бажсарии зинмасига юклangan шахслар киритилади.*

